

# Qishloq НАУОТИ


O'zbekiston  
Respublikasi  
ijtimoiy-iqtisodiy  
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№142 (6.667). Sotuvda erkin narhda

## БУГУНГИ СОНДА

УЯТ  
ЎЛИМДАН  
КАТТИҚ




ФАЛАТИ "ХОБИ"  
(4-саҳифада)

ЭЪТИРОФ

(4-саҳифада)

# "ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!"



Бугунги кунда мамлакатимиз Куролли Кучларига нисбатан қудратли армия иборасини ишлатиш мумкин. Мустақиллик даврларида, айниқса, кейинги икки-уч йил ичида ҳарбий соҳада анчайин ўзгаришлар амалга оширилди. Куролли кучларимиз сафига ҳар томонлама етуқ, баркамол, бақувват йигитларни жалб қилиш, профессионал армияни шакллантириш зарурати туғилди.

Президентимизнинг 2003 йил 14 январда Ватан ҳимоячилари байрами муносабати билан уларга йўлланган табриқда шундай жумлалар бор: "...Халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фахри ва ифтихори бўлиши миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз. Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчига айланиши зарур".

(оилавий-мулкий шароити), жисмоний ва руҳий ҳолатлари махсус синовлар билан ўрганилади ҳамда уларнинг рейтинг курсаткичлари белгиланади.

Мана шундай синовлардан муваффақиятли ўтган йигит мударри хизматга қабул қилинади. Ўзининг бўлиши билан, бу йўналишда синов баҳордаги қабул қилинган эди. Натижада баҳорги қабул қилинган эди. Натижада баҳорги қабул қилинган эди. Натижада баҳорги қабул қилинган эди.

**ЖАРАЁН**

Шу ўринда биз жойларда кузги қақирув жараёнининг қандай кечаётганини билан қизиқдик.



САМАРА — ФЕРМЕРЛИҚДА

Кечагина туғилган гўдак бугун болалик давларини орта қолдириб, бугун буй-баста келишган навақирон йигит бўлди. Бунга қўриб онанинг юраги қувончдан халқиради: "Йўлим, қўз тегмасин болам!"

"Ўзимга тортган" — фахрланади ота ҳам. Шундай ўғли борлигидан гурурланиб юради у одамлар орасида.

Ўғил ҳам бундан бохабар. Унинг биланларидан яна бири бу Ватан олдидаги бурчидир. У Ватан осойишталигига хизмат қилишни ўзига шарафли бурч, деб билади. Шунинг учун бу йигит иккиланмай ҳарбий хизматга останади.

Туман мудофаа ишлари бўлимининг ховлиси қақирилувчилар билан гап-сўз қилди. Шу ёрнинг ўзида бу йигитлар билан сўбатлашдик.

—Очигини айтсам, тиббий қўриқдан ўтишга қўрқаяман, — дейди ўзини Жасур Хамдамом деб таништирган йигит. — Ўшлигимда гепатит билан оғригандим. Врачлар "Асорати бор", деб қолдишса, армияга руҳсат беришмайди-да... Икки қақирувдан қолиб кетдим, одамга алам қиларкан...

—Бир ойлик сафарбарлик қақирув резервида хизмат қилмоқчиман. Меҳнат таълиғига чиққандим. Таътил давомида хизматни ҳам тугатиб олсам яхши бўлар эди, — дейди Хомид Акбаров исмли яна бир йигит.

Мана шундай хисларни кўнглида туйган бу йигитларни қўриб ичимиздан қониқиб ҳосил қилаемиз. Том маънода сараланган йигитлар билан илҳамлик асосида қўрилган Миллий армиямиз кучига ишонч билан қарашга асосимиз етарли. Бундан беҳад гурурланамиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**  
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**  
СУРАТЛАРДА: ИИВга қарашли ҳарбий қисм ҳаётидан лавҳалар. БАҚРАМОВ олган суратлар.

## СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Дарсдан қайтаётганим, йўл четиди уришайтган икки ўспирин дикқатимни тортди. Улар "Онангни..." лаб сўкишарди. Очиғи, бу манзарага аллақачон кўникканмиз аммо...

## ОНА ДЕБ СЎКМАНГ, БИРОДАР!

Ривоят қилгандек, Расулulloх саллоллоху алайҳи ва салло: "Одам қўлағидан гуноҳи азимлардан бири — ота-онани сени ҳақорат қилмоқдир!", дедилар. Шунда "Е, Расулulloх, одам ўз ота-онани қандай қилиб ҳақорат қилмоғи мумкин?" дейишди. Жаноб Расулulloх: "Бировнинг ота-онани сўккан одам ўз ота-онани ҳақорат қилган бўлур", деб жавоб қилдилар.


Шуни ўйларканман, ўспиринлар бу ҳақда билишармикан, деб ажабланаман. Бироқ, бунинг учун уларни айбдор санаш адолатлими?

Ота-онанинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан бола ўрнат олиди. "Қўш уясида қўрганини тили чиқаётган ўғил болага отаси "ифтихор" билан "онангни..." деган сўзларни ўргатади, боланинг "она" деб эмас, "онангни..." деб тили чиқса. Бу ахлоқсизлик, маънан тубанлик сари етаклаш эмасми?

Болаларни-ку, қўя турайлик, қап-қатта қишлоқларнинг ушандай сўкинишига нима дейсиз? Ўқиган, тушунган, илми инсонларнинг "онангни" лаб сўкинишларини қўрганингиздан қандай ҳолга тушасиз?

Қишлоқнинг нечоғли маърифатли, маданиятли эканлиги биринчи галда унинг тилидан билинур. Бунинг акси ўлароқ, сўкиниб гапириб инсоннинг зийнатига қусур эмасми? Янада таассуфларликми, хозир жамоат жойларда, чунончи, бозорларда ёнқи кўча-қўйларда, ҳатто аёлларнинг, қизларнинг ҳам сўкиш аралаш сўзлашадиганликларининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳолатда киши на аччиғиланиши, на ачиниши билади. Фақат... фақат ўйлаб қолсан беихтиёр, қани бизнинг ўзлигимизга хос андишамиз? Ахир, биз бети очиқ халқ эмасми-ку!

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**  
**ЎЗМУ журналистика**  
**факультети талабаси.**



● Мамлакатимизга ташриф буюрган Япония ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, Бош вазирнинг «Катта саккизлик»даги шахсий вакили Ичиро Фужисаки 19 ноябр кунин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

● Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтида сил касаллигини назорат қилиш ва олдини олиш ўқув маркази очилди.

● «Ўзқўргазмасавдо»да Республика озиқ-овқат товарлари улгурчи савдо ярмаркаси очилди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганга 12 йил тўлиши муносабати билан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Давлатимиз рамзлари - фахримиз, гуруримиз» мавзусида маросим бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида судга мурожаат этиш имкониятларини янада кенгайтириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилишга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 156 корхона Республика товар-хотамаш биржаси томонидан ички истеъмолчилар, асосан, энгил сановат корхоналари учун уюштирилган пахта толасини сотиш бўйича қимомоти савдосида иштирок этди.

● Республика киночилар уюда «Ўзбекистон» давлат акционерлик компанияси ва Швейцария таракети бюросининг «Кайта тикланган суҳбатлар» лойиҳаси доирасида Марказий Осиё давлатлари ҳужжатли кино усталари томонидан сўнгги йилларда яратилган энг сарга фильмлар намойиш этилди.

● «Экспан» халқаро жамғармасида мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирокида навбатдаги сафар Оролбўйи минтақасига қирувчи Бухоро вилоятига бўлади.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида юртимизда қарий икки ой давом этган Япония маданият кунларининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

**ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ).** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодий итисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасида «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторини янада ривожлантириш ва мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис депутатлари, Адлия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаш-қувватлаш давлат қўмитаси ходимлари, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

Парламент қўмитаси раи-

си М.Умаралиев бошқарган мажлис йиғилишида Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторининг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинган кундан буён ўтган ўн ой байинда қимматли қўғозлар, кўчмас мулк, жумладан, корхоналарнинг мулкдорлари ҳамда ер участкаларига умрбод мерос қолдириш ҳуқуқи билан ағалик қилувчи мулкдорларнинг сони кескин ошди.

«Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунинг қабул қилиниши мамлакатимиз иқтисоди-

## САМАРА — ФЕРМЕРЛИҚДА

**Самарқанд. Вилоятда кузги-қишқи тадбирларнинг бажарилиши ҳамда қишлоқ хўжалиғида ислохотларнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.**

Бу йил вилоят деҳқонлари самарали меҳнат қилишди. Фаллачилик, пахтачилар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида шартномавий режалар орғиси билан ушдаланди. Айниқса, Нарпай, Жомбой, Оқдарё, Пахтачи, Паст Даргом туманларида пахта ва галла ҳосилдорлиги юқори бўлди. «Оқ олтин»нинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Иқтисодий натижалар ҳам шунга яраша. Лекин Иштихон, Каттакўрғон туманларида гарчанд фойда олинса-да, кўнгилдагидек натижа эришилмаган.

Йиғилишда ана шу ҳақда сўз борди. Таъкидлаш керакки, аксарият ширкатларда фермер хўжалиқларига нисбатан сарф-харажат

## ЙИГИЛИШ

диётинда хусусий секторни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Қонун хусусий корхоналарнинг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигининг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва қафолатларини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳасига бизнинг амалиётда биринчи марта хусусий корхона муассисига икки томонлама солиқ тўламаслик имконини берувчи алоҳида меъёр киритилган. Хусусий корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажа-рилишини таъминлаш мақсадида хусусий корхона мулкдорлиги ўз контрагентлари олдидаги жавобгарлиги оширилган.

Парламент қўмитасига номи зикр этилган қонун лойиҳаси бўйича вазирлик, идора ва ташкилотлардан 130 га яқин тақлиф ва мулоҳаза келиб тушди. Йиғилишда улар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

## МУЛҚДОРЛИК КАФОЛАТИ

Давлатнинг иқтисодий муносабатлар соҳасидаги роли ҳам мамлакатимиз Конституциясида аниқ ва тунд акс эттирилган. «Давлат, — дейилади Конституциянинг 53-моддасида, — истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолияти, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодий тизими мулкчиликнинг турли шаклларига асосланади. Мулкчилик муносабатлари эса турли ҳуқуқий нормалар (фуқаролик, жинсий, маъмурий ва ҳокazo) билан тартибга солиниб, ушбу нормалар марказида мулкчи муносабатларини тартибга солишнинг асоси ҳисобланган конституциявий нормалар ётади. Зеро, конституциявий нормалар давлат томонидан қандай мулк шаклларининг тан олинини ва қафолатлашини тўғрисидаги масалаларнинг ҳал этилишига ёрдам беради.

Сиз  
**«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ»**  
газетасига  
2004 йил  
учун обуна  
бўлдингизми?

Газетанинг нашр қўрсаткичи - 144

**ШАҒҚАТ МАНЗИЛИ, БИРОДАРЛИК МАКТАБИ**  
**ХАЖГА БОРМАГАН ОҚСОҚОЛ**  
(Давоми. Боши ўтган сонда)  
Бураматут (Тўрақўрғон тумани) — катта қишлоқ, озгина кам 20 минг аҳоли истиқомат қилади. Юнусжон Шомирзаев ана шунча одамнинг бири.

—Аммо мингтага татийди, — дейди Иқромжон Камолов.

**2003 йил - ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

У туман оқсоқоллар кенгаши ва маҳалла хайрия жамғармасининг раиси. Бураматутдаги тўрт қишлоқ ва саккиз маҳалла орасида Ю.Шомирзаев ўрта бармоқдай кўзга қўринган киши экан. Кўринишидан олтишларга борган Юнусжон ақанинг суяги энгил, серҳаракатлиги, тиниб-тинчимаслиги, меҳнат-машаққатни пулга сотиб олиши рафторидан қўрииб турибди. Бунинг устига "Бураматут-1" маҳалласига оқсоқол бўлганидан буён ярим пудча озгани ҳам айта беришди.

—Маҳалланинг тақдирини юракларимизга боғлиқ. Юрак обод бўлса — маҳалла обод, юрак чаток бўлса — маҳаллаям чаток.

(Давоми 2-бетда)

**ТААССУФ**

Кейинги ойларида Назира Хайриддинова Бирлашган Араб Амирикларига бўзчининг мокисидек қатнайдиған одат чиқарди. Олдинда жараёнида анча-мунча бойлик орттирди.

Энди унинг Бухоро шаҳридаги қўп қаватли турар-жойлардан харид қилган тўрт хонали уйини таниб бўлмасди. Хоризда ишлаб чиқарилган мебель жиҳозлари, ранг-баранг гиламлар, биллур

**ҲАЁ ПАРДАСИНИ ЯМАБ БЎЛМАЙДИ**

қадахлар... Бу қадахлар бир-бирига уриштирилишининг ёқимли жаранги уй бекасини сармаст қилиб қўйди. Унинг хонадони ёнида тўхтайдиган хориж маркали автомобиллар сони ҳам кўпайди...

Қайси бир боғча тарбиячиси бундай турмушни тасаввур қила олади? Дарвоже, бу вақтта келиб Назира боғчада ишлашни йиғиштириб қўйган, нуқул тижорат ва кайфу сафога берилган эди. Кайфу сафо учун эса андак-мундак пул қифоз қилмайди. "Пул топишининг осонроқ йўлини топиш керак". Шу ҳаёлда юрган Назиранинг кўз олдига беихтиёр Дубайда қўрган эшиттанлари жонланади.

(Давоми 2-бетда)

**ЁШЛАР ҲУҚУҚИНИ БИЛАДИМИ?**

Маълумки, ҳуқуқий демократик жамиятни ҳар томонлама қуриш заминиди ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият ётади.

Дарҳақиқат, шу ўринда бир савол туғилади, ёшларимизнинг ҳуқуқий тарбияси ва маданиятини шакллантириш қай даражада. Тарбия орқали ёшларимизга ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий маданият сингдирилади. Бу хислатлар эса уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириб, жамият-раққиётининг таъини тезлаштиради.

Ҳуқуқий маданияти ва онги ҳам шаклланмаган ёшларимиз томонидан эса баъзан турли-туман жиноятлар содир қилинади. Чунки улар ўзлари қилаётган ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини тушунмай, билмай, салбий ҳолатларни келтириб чиқарадилар. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳуқуқий маданият даражасининг пастлиги бугунги кунгача ҳал этилмаган ва тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган қўпдан-қўп муаммонинг сабабчиси бўлади. Оқибатда вояга етмаган ёшларнинг боши берк қўчаларга қириб қолиши кузатишмоқда.

**ДАВР**

(Давоми 2-бетда)

**ХИКМАТ**

**Виждон**

**мингларча гувоҳлардир.**

**КВИНТИЛИАН**





